

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСЛАРИ.**

**Гайпова Фатима Абдумаликовна**

ЧДПУ, Тасвирий санъат ва дизайн  
кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Тасвирий санъат асарларини таҳлил қилишни ўзлаштиришнинг мақсади талабаларнинг санъат билан алоқа қилиш эҳтиёжларини шакллантириш; бадиий дидни ривожлантириш; санъат асарларини диалогик равишда рағбатлантириш билан санъат оламини шахснинг ички дунёсига сингдиришга ёрдам беради. Санъат воқеликнинг ўзида ифодалаш услуби ва характери ҳамда мазмунига кўра тасвирий санъат, меъморчилик, адабиёт, муסיқа, цирк, театр, кино, радио-телевидения каби турларга бўлинади. Санъатнинг энг ижобий ва муҳим хусусияти шундаки, у фандан фарқли ўлароқ воқеа ва ҳодисаларни тушунчаларда эмас, балки сезги ва ҳис билан идрок қилинадиган шакларда, типик-бадиий образларда ифодалайди, инсониятининг эзгу ниятларини, уларнинг орзу-умидларини ҳам тўла ифода этади.

Бугунги кунда технологияларнинг жадал ривожланиши илм-фаннинг тараққиётида сезилмоқда. Шунингдек, замонавий технология ахборот, таълим, тиббиёт соҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Кейинги пайтларда технология сўзининг нафақат таълим жараёнида, балки жамиятимизнинг бошқа жабҳаларида ҳам кўп ишлатилишининг гувоҳига айланмоқдамиз. Бизга маълумки, технология грекча сўздан олинган бўлиб, технос- санъат, маҳорат, логос- таълимот деган маъноларини англатади. Педагогик технология педагогнинг талабаларга таъсир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради. Илмий-техник тараққиёт нафақат аксарият ишлаб чиқариш соҳасинигина технологиялаштиради, балки у маданият, таълим соҳаларига ҳам айтиб ўтганимиздек, ўз таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда технологияларнинг информацион ахборот, тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юритишимиз мумкин. Технологиязациялаш ўзи нима? Бу объектив жараён ҳисобланиб, таълим эволюциясининг янги вазифаларини сифатли ҳал қилиш учун тайёргарлик давридир. Ҳозирги

давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришни талаб қилади. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари, уларнинг тасниф ва моҳиятини очиб бериш ҳамда ўқув жараёнининг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди. Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустақкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукамал луғатларидаги ўрни ҳали номаълумлигича қолмоқда. Н.Ф.Талзинанинг фикрича, ҳар бир педагог реал педагогик жараёни ташкил этишдан олдин ўқув жараёни ҳақида технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Б.Лихачев шундай дейди : “Педагогик технология – психологик ва педагогик ўқитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради”. В.П.Беспалько эса қўйидаги фикрни олға суради: “Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” “Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи”га И.П. Волковга тегишли бўлса, В.М Шепел шундай дейди : “Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси”. “Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир” деган таъриф В.М.Манаховга тегишлидир. Олий ўқув юртида таълимни такомиллаштириш мақсадида педагогик мулоқотнинг янги шакллари, ахборотларнинг таркибий қисмларини қайта ишлаб чиқиш, ўқув фаолиятини бошқаришнинг янги шакллари талаб қилинади. Технологик тараққиёт бугунги кунда ижтимоий жараёнларни кузатиб боришга қодир бўлган энг муҳим компонентлардан биридир. Педагогик таълим технологиясини яхшилаш жамиятимизнинг маданий савиясини ва унинг иқтисодий қудратини шакллантиришнинг олий шартидир. Педагогикада ўқитиш технологиялари билан бирга таълимий технологиялар ҳам ўрин олган. Таълимий технологиялар мазмун-ахборот аспекти билдирса, ўқитиш технологияси жараёнга алоқадор

деб ҳисобланади, яъни улар орасида ҳали ҳам аниқ фарқлар белгиланмаган.

Технологик жараён ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти, ўқув жараёнини бошқариш усуллари, ўқув жараёни диагностикасини қамраб олади. Тадқиқотчилар ҳар қандай педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонларни белгилайдилар. Изчиллик педагогик технологиянинг мезони сифатида жараённинг мантиқийлиги, педагогик технологиянинг барча қисмларининг ўзаро боғликлиги, яхлитлигини ўз ичига олади. Педагогик технологиянинг мезонларидан бири бошқарувга асосланганлигидир. Маълумки, ўқитишнинг ҳар қандай асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожига ва улар негизда шакланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қоидалари ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жараёни мантиқий билиш зиддиятларини ҳал қилишда объектив қонуниятлари, дидактик тамойил – муаммоликка таянади. Шундай қилиб, муаммоли вазиятнинг моҳияти шундан иборатки, у талабага таниш бўлган маълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар ўртасидаги зиддиятдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1 Гайпова Ф.А. Тасвирий санъат таълимининг мақсад ва вазифлари ва тарбиявий аҳамияти. "Научный импульс" Международный научный журнал. Москва., сентябрь 2022 , часть 2

2.Х.С.Акрамова. "Таълим психологияси" Современное образование 2016

3.Ростовцев Н.Н. "Методика преподавания изобразительного искусства в школе", М.: 2000.-251с.

4.Малышева Н.В., Штыренкова Э.В. Роль дистанционных технологий в изобразительном искусстве вуза// Современные информационные технологии в управлении качеством: сборник статей IV Международной научно-прикладной конференции.-Пенза: Приволжский Дом знаний.

5.С.Ф.Абдирасилов. "Тасвирий санъат ўқитиш методикаси".Т.: "Фан ва технология"

6.Бойметов Б.Б..Абдирасилов С.Ф. Чизматасвир. Т., "Ғафур Ғулом", 2004.

7.Хасанов Р.Х. Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикаси. "ФАН" , 2004

8.Я.О.Коменский. "Великая дидактика" .М.: Наркомпрос,1939.-318с.